КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 210 (7350). ● 4 ноябрь, 1980 йил ◆ СЕШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ЧИНОЗЛИКЛАР РАПОРТИ

Чиноз райони пахтакорлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги арафасида ажойиб меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар давлатга пахта топшириш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этишди. Давлат қабул пунктларига 35 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етказиб берилди. 9 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 33,9 центнер, мажбуриятда белгиланган 38 центнер ўрнига 38,8 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Етиштирилган мўл ҳосилни қисқа муддатда ва нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишда район механик-ҳайдовчилари айниқса жонбозлик кўрсатдилар. Улар машиналар ёрдамида 30050 тонна пахта терib беришди. Машина терими плани 116 процент қилиб адо этилди.

Район меҳнаткашларининг ғалабасига «Қизил Октябрь», «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», «Октябрь 40 йиллиги», Энгельс номли колхозлар пахтакорлари айниқса катта ҳисса қўшишди. Улар давлатга пахта сотиш бўйича олган социалистик мажбуриятларини ҳам анча ошириб бажардилар.

Чинозликлар етиштирилган бутун пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш билан бир қаторда кузги-қишки ишларни ҳам кучайтириб юбормоқдалар.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Узбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети йиғим-теримни ташкил этиш ва давлатга пахта топшириш бўйича районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг октябрь ойи олтинчи беш кунлиги якунларини кўриб чиқдилар.

Узбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқни қуйидагиларга бердилар:

Урта Чирчиқ районига (район партия комитетининг секретари М. Э. Эгамбердиев, район ижроия комитетининг раиси Т. М. Мирёқубов, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиги М. Убайдуллаев, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси А. Ҳайдаров, район комсомол комитетининг секретари Р. Ҳикматов, «Ташоблсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси А. Акбаров ўртоқлар). Бу районда пахта тайёрлаш йиллик ҳажми 106,80 процент, шу жумладан машина терими плани 111,37 процент бажарилган ҳамда октябрь ойининг олтинчи беш кунлигида давлатга пахта топширишда йиллик ҳажмга нисбатан 4,38 процент, машина теримида планга нисбатан 3,95 процент ўсишга эришилган.

Байроқ Пискент районидан олиб берилади.

Ғалаба районидаги Киров номли ўқув хўжалигига (директори Ш. Ш. Ҳадиралиев, партия ташкилотининг секретари М. Муртазоев, ишчилар комитетининг раиси Р. И. Шерматов, комсомол ташкилотининг секретари Р. Абдураимов ўртоқлар). Бу хўжаликда давлатга пахта топшириш йиллик ҳажми 123,40 процент, шу жумладан машина терими плани 131,55 процент бажарилган ҳамда октябрь ойининг олтинчи беш кунлигида давлатга пахта топширишда йиллик ҳажмга нисбатан 7,38 процент, шу жумладан машина теримида планга нисбатан 7,92 процент ўсишга эришилган.

Байроқ Бекобод районидаги «Ленинград» совхозидан олиб берилади.

Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхозга (раиси С. Абдуллаев, партия ташкилотининг секретари Б. Турсунов, касаба союз ташкилотининг раиси Т. Бегимқулов, комсомол ташкилотининг секретари Т. Очилов ўртоқлар). Бу колхозда давлатга пахта сотиш йиллик ҳажми 100,23 процент, шу жумладан машина терими плани 98,08 процент бажарилган ҳамда октябрь ойининг олтинчи беш кунлигида давлатга пахта сотишда йиллик ҳажмга нисбатан 8,38 процент, шу жумладан машина теримида планга нисбатан 9,51 процент ўсишга эришилган.

Байроқ Пискент районидаги Ленин номли колхоздан олиб берилади.

Узбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Урта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхозда** (раиси У. Ҳасанова, партия ташкилотининг секретари С. Убайдуллаев, касаба союз ташкилотининг раиси Р. Рўзиев, комсомол ташкилотининг секретари Э. Усмонов ўртоқлар) қолдирилди. Бу колхозда пахта тайёрлаш йиллик ҳажми 94,14 процент, шу жумладан машина терими плани 81,16 процент бажарилган ва октябрь ойининг олтинчи беш кунлигида давлатга пахта сотишда йиллик ҳажмга нисбатан 4,07 процент, машина теримида планга нисбатан 7,58 процент ўсишга эришилган.

Область план бўлимига Урта Чирчиқ районига, Ғалаба районидаги Киров номли ўқув хўжалигига, Оққўрғон районидаги Куйбишев номли ва Урта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхозларга социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

* * *

Узбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети пахта йиғим-теримини ташкил этиш бўйича шаҳарлар, сабзавотчилик районлари, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари ва ўқув юртлари коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг октябрь ойи олтинчи беш кунлиги якунларини кўриб чиқдилар.

Узбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Ангрен шаҳрида** (шаҳар партия комитетининг секретари М. М. Орифжонов, шаҳар ижроия комитетининг раиси Ю. Н. Остряков, шаҳар комсомол комитетининг секретари Д. Абдуллаева ўртоқлар) қолдирилди. Бу шаҳарда ишчи-хизматчиларни пахта теримига жалб этиш топшириғи бажарилган ва ҳар бир ўқувчи ҳисобига кунига ўртача 76,4 килограммдан пахта терилган.

Байроқ Ангрен шаҳридаги Авезов номли 17-ўрта мактабдан олиб берилади.

Чирчиқ шаҳридаги 19-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртига (директори У. С. Содиқов, партия ташкилотининг секретари А. Тошқариев, маҳаллий комитет раиси М. Шерматов, комсомол ташкилоти секретари С. Исҳоқова ўртоқлар). Бу билим юртида ўқувчиларни пахта теримига жалб этиш топшириғи бажарилган ва ҳар бир ўқувчи ҳисобига кунига ўртача 30,9 килограммдан пахта терилган.

Байроқ Чиноз районидаги 1-қишлоқ ҳунар-техника билим юртидан олиб берилади.

Тошкент шаҳридаги молия техникумига (директори Ш. Н. Насриддинов, партия ташкилотининг секретари Х. П. Акмалова, маҳаллий комитет раиси А. М. Мавлонов, комсомол ташкилотининг секретари М. Ҳамбарова ўртоқлар). Бу техникумда ўқувчиларни пахта теримига жалб этиш топшириғи бажарилган ва ҳар бир ўқувчи ҳисобига кунига ўртача 29 килограммдан пахта терилган.

Байроқ Ангрен шаҳридаги жисмоний тарбия педагогика билим юртидан олиб берилади.

Ангрен шаҳри, Тошкент райони, корхона ва ташкилотлари, Оққўрғон районидаги А. Қаҳҳор номли 7, Тошкент районидаги Фрунзе номли 21, Чирчиқ шаҳридаги Романовский номли 12-мактаблар, Чирчиқ шаҳар 19-ўрта ҳунар техника билим юрти ва Тошкент шаҳридаги молия техникуми коллективларига кўчма Қизил байроқлар билан биргаликда илғор теримчиларни рағбатлантириш учун 500 сўмдан пул мукофотлари ажратилади.

Тошкент районидаги Фрунзе номли 21-ўрта мактабга (директори Н. Зоидова, партия ташкилотининг секретари М. Вакилова, маҳаллий комитет раиси М. Ортиқова, комсомол ташкилотининг секретари Ҳ. Умарова ўртоқлар). Бу мактабда ўқувчиларни пахта теримига жалб этиш топшириғи бажарилган ва ҳар бир ўқувчи ҳисобига кунига ўртача 50 килограммдан пахта терилган.

Байроқ Оҳангарон районидаги Ибн Сино номли 35-ўрта мактабдан олиб берилади.

Чирчиқ шаҳридаги Романовский номли 12-ўрта мактабга (директори Т. Н. Носиров, партия ташкилотининг секретари М. А. Ҳасанова, маҳаллий комитет раиси Н. У. Умарова, комсомол ташкилотининг секретари М. Абдуқодирова ўртоқлар). Бу мактабда ўқувчиларни пахта теримига жалб этиш топшириғи бажарилган ва ҳар бир ўқувчи ҳисобига кунига ўртача 76,4 килограммдан пахта терилган.

Байроқ Ангрен шаҳридаги Авезов номли 17-ўрта мактабдан олиб берилади.

Чирчиқ шаҳридаги 19-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртига (директори У. С. Содиқов, партия ташкилотининг секретари А. Тошқариев, маҳаллий комитет раиси М. Шерматов, комсомол ташкилоти секретари С. Исҳоқова ўртоқлар). Бу билим юртида ўқувчиларни пахта теримига жалб этиш топшириғи бажарилган ва ҳар бир ўқувчи ҳисобига кунига ўртача 30,9 килограммдан пахта терилган.

Байроқ Чиноз районидаги 1-қишлоқ ҳунар-техника билим юртидан олиб берилади.

Тошкент шаҳридаги молия техникумига (директори Ш. Н. Насриддинов, партия ташкилотининг секретари Х. П. Акмалова, маҳаллий комитет раиси А. М. Мавлонов, комсомол ташкилотининг секретари М. Ҳамбарова ўртоқлар). Бу техникумда ўқувчиларни пахта теримига жалб этиш топшириғи бажарилган ва ҳар бир ўқувчи ҳисобига кунига ўртача 29 килограммдан пахта терилган.

Байроқ Ангрен шаҳридаги жисмоний тарбия педагогика билим юртидан олиб берилади.

Ангрен шаҳри, Тошкент райони, корхона ва ташкилотлари, Оққўрғон районидаги А. Қаҳҳор номли 7, Тошкент районидаги Фрунзе номли 21, Чирчиқ шаҳридаги Романовский номли 12-мактаблар, Чирчиқ шаҳар 19-ўрта ҳунар техника билим юрти ва Тошкент шаҳридаги молия техникуми коллективларига кўчма Қизил байроқлар билан биргаликда илғор теримчиларни рағбатлантириш учун 500 сўмдан пул мукофотлари ажратилади.



Ота-бола механизатор Маматқуловлар бу йилги йиғим-терим мавсумида Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз пахтазорларида жавлон урдилар. Улар навбат билан битта пахта териш машинасида ишлаб «пўлат этак»дан хирмонга 260 тонна «оқ олтин» ташишди. Суратда: ота-бола механизатор Маматқуловлар.

П. Эргашев фотоси.

КУЗГИ-ҚИШКИ ИШЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ВА СИФАТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

Область партия, совет ва хўжалик органлари, колхоз ва совхозлари, қишлоқ механизаторлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш учун авж олган социалистик мусобақага актив қўшилдилар.

Областда давлатга пахта, каноп пояси, дон, сабзавот маҳсулотлари, қовунтарвуз, жун, пилла сотиш бўйича социалистик мажбуриятлар, мева ва узум тайёрлаш бўйича йиллик ҳажмлар муддатидан илгари бажарилди. Ҳамма жойда бутун пахта ҳосили ва бошқа маҳсулотларни йиғиштириб олишни тезроқ тугаллаш учун кураш кучайтириб юборилган.

Областнинг илғор колхоз ва совхозлари ҳосил йиғим-теримини тугаллаш билан бир қаторда 1981 йил мўл ҳосили учун мустаҳкам замин яратиш мақсадида шудгорлаш ва бошқа кузги-қишки ишларни кучайтириб юбордилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети 1981 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказилишига катта аҳамият берган ҳолда 1981 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун районлар, «Ташоблсельхозтехника» район бирлашмалари, область суғориш тармоқлари бошқармаси механизациялашган кўчма колонналари, «Ташводстрой», «Ташоблмелиоводстрой», «Паркентводстрой» трестлари ва Чиноз машина экскаватор станцияси ўртасида социалистик мусобақани ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Бу социалистик мусобақа шартлари тасдиқланди.

Илғор районлар, «Ташоблсельхозтехника» район бирлашмалари, область суғориш тармоқлари бошқармаси механизациялашган кўчма колонналари, «Ташводстрой», «Ташоблмелиоводстрой», «Паркентводстрой» ва Чиноз машина экскаватор станциясини рағбатлантириш учун Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг учта кўчма Қизил байроғи таъсис этилди.

Область суғориш тармоқлари ишлаб чиқариш бошқармаси, «Ташводстрой», «Ташоблмелиоводстрой», «Паркентводстрой» трестлари, «Ташоблсельхозтехника» бирлашмасига қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов ишчи-хизматчилари касаба союзи область комитети билан биргаликда ўз системаларидаги ишлаб чиқариш бўлинмалари ўртасида қишлоқ хўжалик техникасини ўз вақтида ва сифатли ремонт қилиш, уларни баҳорги дала ишларига тайёрлаб қўйиш, янги ерларни ўзлаштириш ва экиш оборотига киритиш, аввалдан ҳайдалиб келинадиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун капитал тикислаш ўтказиш, суғориш, коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш, гидротехник иншоотлар ва насос станцияларини ремонт қилиш ҳамда уларни янги суғориш мавсумига тайёрлаш учун социалистик мусобақа ўтказишни ташкил этиш топширилди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов ходимлари касаба союзи район комитетлари, область ва район қишлоқ хўжалик бошқармалари, «Ташсадвинсовхоз» трести зиммасига колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат хўжаликлари ўртасида 1981 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказишни ташкил этиш юклатилди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалигини ва тайёрлов ходимларини касаба союзи область ва район комитетлари, «Ташоблсельхозтехника» бирлашмаси, область суғориш тармоқлари бошқармасига 1981 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишда эришган ютуқлари учун илғор коллективларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг конкрет чораларини белгилаш, социалистик мусобақага мунтазам равишда якун ясаш, унинг кенг ошкоралигини таъминлаш таклиф этилди.

Область ва район газеталари редакцияларига, область телевидение ва радио эшиттириш бош редакцияларига область хўжаликларида 1981 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларнинг бажарилишини мунтазам равишда ёритиб бориш топширилди.

(Мусобақа шартлари газетанинг 3-бетида босилмоқда).

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

КОЛХОЗИМИЗ аъзолари йил бошида ҳар гектар пахта майдонидан 35 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олиш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилган эдилар. Бугунги кунда пахтакорларимиз ўз ваъдаларини ёруғ юз билан бажардилар. Давлат қабул пунктларига 5500 тонна ўрнига 5800 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳосилдорлик 40 центнерга яқинлашмоқда.

Биз бундай натижаларга қандай эришмоқдамиз?

Аввало шуни айтиш керакки, биз кузданоқ юқори ҳосилга замин тайёрлага одатланганмиз. Карталар ҳосилдан тозалангач, қисқа вақт ичида гўзапоялар юлиб ташланиб, икки ярусли плуглар билан сифатли шудгор қилиб қўйилади. Пастки зонадаги карталарга эса оғир молалар билан икки марта шундай қилинмаса, бу майдонларда тупроқ бўш бўлгани учун агрегатларда экилган чигит ерга бир текис тушмайди.

Бу йил биз асосан туксизлантирилган чигитни аниқ ташлайдиган сеялка билан экдик. Натижада ягона қилиш учун кўп вақт ва ишчи кучи сарфланмади. Умуман, ўсиш даврида ҳар бир агротехник тадбирни қулай муддатларда сифатли бажаришга ҳаракат қилдик. Айниқса, кўсак қурти, шира, ўргимчаккана каби зараркунанда ҳашаротларга қарши аёвсиз кураш олиб борилди. Чунки бу йилги об-ҳаво бундай зараркунандаларнинг тез кўпайишига қулай имконият яратди. Хўжаликдаги мавжуд 10 та ОВХ-14 агрегати мунтазам ишга шай бўлиб турди ва зараркунанда пайдо бўлган участкалар, зудлик билан аниқланиб, тезда йўқотиб борилди.

Йиғим-теримни уюшқоқлик билан бошлаб юбордик. Мавжуд терим агрегатларини сифатли созлаганимиз учун улар терим қизғин пайтларда панд бермади. 31 та терим машинасининг ҳаммаси далаларда тўхтовсиз икки сменада ишлаб турди.

Дастлабки кунларданоқ ҳар беш кунликда тўрт қаторли машина билан 60 тонна, икки қаторли машина билан 50 тонна пахта теришга эришган механик-ҳайдовчиларга 200 сўмдан пул мукофоти бериб борилди. Шу кунгача механизаторларимизни рағбатлантириш учун 4850 сўм пул мукофоти сарфланди.

Тажрибали механик-ҳайдовчи Эдем Зейтуллаев теримнинг биринчи кунлариданоқ пешқадамликни қўлга олди. Унинг ҳозиргача терган пахтаси 260 тоннадан ошиб кетди. Номоз Холбоев, Турсунбой Абдуаҳадов, Қаҳрамон Ҳамдамовлар ҳам ўз агрегатлари бункеридан 250 тоннадан ошириб дурдона тўкдилар. Дала гвардиячиларимизнинг ғайрат-шижоати туфайли етиштирилган ҳосилнинг 5200 тоннасини машиналарда териб олдик.

Барча колхозчилар мавсум бошидан бери жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Кўпминг килограммчи хотин-қизларимиз социалистик мусобақани авж олдириб, хирмоннинг тез юксалишига катта ҳисса қўшишди. Ойниса Мирзаҳўжаева, Замира Ҳайитметова, Бадас Қосимова, Гулгаз Байрамова, Мунира Раҳмонова каби ўнлаб чевар теримчиларимиз шу кунгача 10 тоннадан ошириб пахта териб беришди.

Кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишга жиддий эътибор берганмиз. Пахтачилик бригадаларининг деярли ҳаммасига тажрибали деҳқонлар раҳбарлик қилишади. Ҳар бир коллективда меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилган. Белгиланган тадбирлар ўз вақтида сифатли амалга оширилади.

Қ. Каршибоев, К. Ризмонов, А. Расулов, Н. Турғунбоев, Э. Чинибоевлар раҳбарлик қилаётган бригадаларида коллективларида ҳосилдорлик 40 центнердан ошиб кетди. Энди улар оширилган социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Йиғим-терим мавсуми охирлаб бормоқда. Пахтазорларимизда механизаторлар, теримчилар ва шаҳарлик ҳашарчилар ҳосилнинг сўнгги тонналарини йиғиштириб олишмоқда. Карталар бир четдан тозаланиб, шудгорни бошлашга тайёрланмоқда. Бу борада махсус графиклар ишлаб чиқилган. Ҳайдов тракторлари ремонт қилиниб, тахт ҳолга келтириб қўйилган. Далаларга органик ўғитлар ташиб чиқарилмоқда.

Колхозчиларимиз яна бир ғайрат кўрсатиб, ҳосилнинг ҳаммасини тўла йиғиштириб олишга ва бу билан республика партия ва ҳукуматига амалий жавоб беришга аҳд қилишган.

Оғабек АРСЛОНОВ,
Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси.

ЗАРБДОР ВАХТАДА



В. ОРУЗБОЕВ Тошкент экскаватор заводининг пешқадам ишчиси. У металлга ишлов бериш бўйича бирнеча касбларни эгаллаган. В. Оруэбоев Улуғ Октябрининг 63 йиллиги шарафига олган оширилган мажбуриятини муддатидан илгари адо этиб, куни кеча ўн биринчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

В. Сироткин фотоси.

●

АНГРЕНДАГИ кўмир разрезининг илгор экскаваторчилари Николай Мўминов ва машинист ёрдамчиси Тускан Пардаев Улуғ Октябрь байрамини улкан меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олишяпти. Улар ўнинчи беш йиллик бошидан буён еттн йиллик шахсий планни бажаришди.

Э. Комич фотоси.



ҲАШАРЧИЛАР ҲИММАТИ

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатидаги «Шаҳарлар, район марказлари, ишчи посёлкаларининг меҳнаткашлари, студент ва ўқувчи ёшлар! Ўзбекистоннинг бутун аҳолиси фахр билан ўзини пахтакор деб атамоқда. ...Ҳозирги долзарб, масъулиятли кунларда пахтани йиғиб-териб олишда деҳқонларга кўмаклашиш, республикадаги ҳар бир кишининг бурчидир» деган сўзлар ҳосил йиғим-теримида иштирок этаётган олмазорлик хашарчиларни ҳам руҳлантириб юборди. Улар янги куч-ғайрат билан пахтакорга кўмакка отланишди.

«Олмазор» богдорчилик совхоз-заводининг ишчи-хизматчилари ҳар йилгидек теримда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ҳозир 230 киши «Қизил Октябрь» ва Навоий номли колхозларда пахта теришяпти.

Посёлкамизда истиқомат қилаётган пенсионерлар, меҳнат ветеранларидан Павел Зубков, Шоназар Юсупов, Расул Ҳамроев сингари сергайрат отахонлар ҳам белларига этак тутиб далага чиқдилар. Улар мавсумда 30 тонна «оқ олтин» теришга аҳд қилишган.

Республикамиз пахтакорлари зафар маррасини эгаллаб, янги довонлар сари дадил интилмоқдалар. Биз ҳам минг нафардан зиёд ҳашарчиларимизнинг бунёд этилган катта хирмонга ҳисса қўшганлигидан беҳад хурсандмиз.

Муртазо ШОҚУРБОНОВ,
Олмазор посёлка Совети ижроия комитетининг раиси.



ОЧЕРК

ОЛОВКОРЛАР

◆ МЕҲНАТ ВА УРУШ ВЕТЕРАНИ УМАР УСМОНОВ «КОМПРЕССОР» ЗАВОДИДА 33 ЙИЛ МЕТАЛЛ ЭРИТДИ. ◆ ҲОЗИРГИ КУНЛАРДА УНИНГ БУ ШОНЛИ ИШИНИ ТЎРТ ФАРЗАНДИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА. ◆ МЕТАЛЛ ЭРИТУВЧИ УСМОНОВЛАР БРИГАДАСИ — ЎН ЙИЛДАН БУЁН МУНТАЗАМ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ҒОЛИБИ.

ЦЕХ бошлиғи кабинетида йўқ экан. Бир киши бизни ичкари бошлади.

У шундоққина эшикдан кириш билан ёнма-ён турган иккита кўхна печга ишора қилди:

— Мана шу уларнинг иш жойи.

Кейин у киши бизни печда металл эритиш-қуйиш жараёни билан таништира кетди. У ҳамма жараённи мукаммал билар, уларни завқ билан ҳикоя қиларди. Ишни қанчалик билағонлик ва иштиёқ билан гапирса, Усмоновлар номини ҳам шунчалик меҳр-муҳаббат билан тилга оларди.

— Кечирасиз, ўзингиз ким бўлиб ишлайсиз, қуювчимисиз? — қизиқиб қолдик биз.

— Ҳозир ёрдамчи ишчиман. Лекин бу Усмоновларнинг отаси Умар ака билан 27 йил бирга металл қуйганмиз. Ажойиб одам. Меҳнаткаш. Мен меҳнатга муҳаббатни энг аввал Умар акадан ўрганганман. Ўша пайтларда, болаларнинг ҳаммасини шу ерга ишга олиб келаман дер эди, айтганини қилди, ниятига етди. Мана, уч ўғли қуювчи. Отаси ишлаган печларда металл қуйишяпти.

Бу одам — Салим Толипов ўсмирликда заводга ишга келганида металл қуювчиликни Умар акадан ўрганган экан.

Умар Усмонов ким?

У 33 йил «Компрессор» заводида фидокорона меҳнат қилган, 33 йил оғир ва шарафли металл қуювчи касбида ишлаган ажойиб меҳнаткаш инсон.

... Ватанимиз учун оғир кунлар давом этаётган, фашистлар муқаддас тупроғимизга бостириб киришни давом эттираётгани ҳақида совуқ хабарлар ҳамон келиб турган бир пайтда — 1941 йилнинг охирида ўн етти ёшли Умар фронтга отланди. Лекин уни қайтаришди. Ёш эмиш. Нима қилиш керак? Фронтга ёрдам бериш керак. Шу ерда туриб ҳам катта ёрдам бериши мумкин.

Умар «Таштрансмаш» (ҳозирги «Компрессор») заводига бориб, ишлаш истагини билдирди.

— Нима иш қилмоқчисан? — сўрашди ундан кадрлар бўлимида.

— Қаерда зарур бўлса ўша жойда ишлайман. Энг оғир ишни берсангиз ҳам майли.

Тахта тўсиқнинг нариёғида ўтирган қўнғир соч аёл унга аллақандай меҳр билан бир қараб қўйди. Ёш бўлса ҳам миқти гавдали бу йигитчанинг савлатига яраша қалби ҳам чиройли, ғайратга тўла эканлиги унга ёқиб кетди.

— Молодец, — деди ҳиёл жилмайиб...

Умар металл қуювчига шогирд тушди. Бир-икки ҳафтадан кейиноқ мустақил ишлай бошлади. Цехда ўн беш-ўн олти соатлаб қолиб кетишарди. Лекин бу ҳеч кимга оғир ботмади — астойдил, юракдан меҳнат қилишарди. Чунки, улар қўлидан чиқаётган металлнинг ҳар бир парчаси фашистнинг кўкрагига бориб санчилаётганини ҳаёл кўзгусида кўриб туришар, аслида эса бу ҳақиқат эди...

— Ёши етгач, 1942 йил баҳорида кўнгилли бўлиб фронтга жўнади.

Умар 1947 йилда омон-эсон Тошкентга қайтиб, кўкрак кериб яна ўша ўзининг қадрдон заводига, қадрдон печига борди. Энди уни кўпчилик Умар ака дерди. Пенсияга кетаётганида эса, Умар дейдиган ҳеч ким йўқ эди: у кекса ишчи, ҳурматли инсон, меҳнат ветерани! Ахир 33 ярим йил бир корхонада, бир касбда ишлади!..

Шундай тажрибали ишчини пенсияга кузатиш коллектив учун анча оғир эди.

— Сизнинг ўрнингизда ишлаш учун тажрибали қуювчи керак, — дейишди.

— Мана тажрибали қуювчи, — деди Умар ака ўртанча ўғлини кўрсатиб.

Умар ака бригадир ҳам эди.

— Бригадирликка коммунист керак, — дейишди.

— Мана коммунист, — деди у яна ўша ўғлини кўрсатиб.

Ярим ҳазил, ярим чин бу мулоқот ҳаммага ёқиб тушди.

ОКТЯБРЬ — ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ ТАҚДИРИДА

— Қойил, — деди завод партия комитетининг секретари — ўринбосарнинг зўрини тайёрлабсиз. Яшанг, Умар ака! Ана энди пенсиянгизга чиқиб, таъминот бўлимингизга ўтаверинг.

Умар Усмонов бирдан заводни ташлаб кетолмади, бир йилдан ортиқроқ таъминот бўлимида ишлаб юрди.

Ўғли Борис 1965 йилда 8 синфни тугатиб заводга ишга борган, дурадгор касбини эгаллаган эди. Орада армияда хизмат қилиб, КПСС сафига ўтиб келди. 1973 йилда эса ота касбини эгаллашга аҳд қилиб, қуювчилар бригадасига аъзо бўлди. Кейин... отасининг ўрнига бригадир бўлиб қолди.

— Нега бу ўғлингизнинг исми Борис? — дея қизиқиб сўраймиз, Умар акадан.

— Урушда командирим Борис бўлган. У мени ажал чангалидан суғуриб олган. Ўшанда меҳр туфайли бу ўғлимнинг исмини Борис қўйганмиз...

Борис Усмонов қуювчилар бригадасининг бошлиғи. Унинг бригадаси нафақат цехда, балки завод бўйича бригадалараро социалистик мусобақада ҳамиша илғорлар сафида.

Бу бригадани Усмоновлар бригадаси, дейишади...

Баҳодир 1965 йилда ҳунар-техника билим юртини тугатиб, дурадгор касбини эгаллади. Лекин уни отаси ишлаётган завод ўзига тортиб турарди.

— Дада, — деди у гўёҳномани олган куни, — дурадгор бўлдим-ку, бироқ сизнинг заводингизда ишлагим келяпти-да.

— Яхши, — деди Умар ака, — шу касбинг билан заводда ишлайверасан, ремонт цехини бор...

Ўн тўрт йил шу цехда ишлади. Йўқ, барибир бўлмади. Ота касб, ўғил эса Борис давом эттираётган аждодининг иши Баҳодирни оҳанграбодек ўзига чорлаб турарди. Ҳечдан кўра кеч яхши, деб 1979 йилда металл қуювчилар бригадасига ўтди.

Кенжа Бахтиёр кўп ўйлаб ўтирмади. 1977 йилда армиядан келди-ю, тўғри заводга ишга борди. Бир ўзи борди.

— Қаерда ишламоқчисан, нима касбга қизиқасан? — дея бундан салкам қирқ йил аввал отасига берилган савол такрорланди унга.

— Металл қуювчи бўламоқчиман!

— Ў-ҳў, шаштинг зўр-ку. Бироқ дабдурустдан сени печга қўёлмаймиз, бу оғир ва масъулиятли иш.

— Ўзим ҳам биламан, — деди Бахтиёр хотиржам, — дадам у ерда ишлаганлар, ота касбни эгалламоқчиман.

— Ийе, Умар аканинг ўғлимисан, — деди кадрлар бўлимининг ходими, айтдинг-ку, фамилияси таниш кўринади деб...

Шу тариқа Усмоновлар бригадаси вужудга келди.

Айтганча, бригадада тўртинчи Усмонов ҳам бор. Собир Усмонов. Собирни ҳаммаёқда Баҳодир, Борис ва Бахтиёрлар билан туғишган ака-ука дейди. Аслида ҳам шунга яқин — амакиларининг ўғли. Умар аканинг тўртинчи ўғли ҳозир армияда хизмат қиляпти. Республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер Умар Усмонов шаҳар ижрокоми гражданларга хизмат кўрсатиш бошқармасида ишлаб элга хизмат қиляпти...

— Кечагина навқирон йигит эдик, мана энди Ҳайри ҳолангиз билан бува-буви бўлиб қолибмиз, — дейди Умар ака. Бироқ бу сифат — бува — унга унча ёпишмайди. Чунки, Умар ака ҳамон йигитлардек тетик ва бардам. — Тўққиз неварамиз бор...

Ишчи оиланинг келинлари Мамлакат ва Ноиба ҳам ишчи, Насиба эса ҳамшира.

... Тошкент «Компрессор» заводининг довруғи мамлакатимиз миқёсидан чиқиб, жаҳонга кетган. Корхона коллективи ишлаб чиқараётган ПР-10, РКВН-6, РБ-90, ПР-6 маркали юқори сифатли компрессорлар ўнлаб чет мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Заводнинг ҳамиша пешқадамлар сафида бўлишида, маҳсулоти сифатининг мунтазам ошиб, довруғ қозонишида қуювчи Усмоновлар бригадасининг муҳим ҳиссаси борлигини ҳамма аъзоларининг ҳар бири шаҳар, район партия ва комсомол ташкилотларининг фахрий Ерлиқлари, коммунистик меҳнат зарбдори кўкрак нишонлари билан тақдирланган азаматлардир!..

Цехда минг хилдан ортиқ деталь тайёрланади. Аниқроғи. Усмоновлар бригадаси икки печда эритган металл турли қолипларга қуйилиб, деталь шаклига киради ва кейинги ишлов учун бошқа цехларга юборилади. Бу деталларнинг энг кичиги 200 грамм, энг каттаси 190 килограмм! Улар қуюв цехида суюқ металлдан маълум деталь шаклини олиб, охир-оқибатда завод дарвозасидан қудратли машинага айланиб чиқиб кетади. Демак, компрессор Усмоновлар бригадасидан бошланади ва ... қудратли халқ хўжалигимизнинг қон томирларига қўшилиб, суюкли мамлакатимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилади. Хизмат қилмоқда...

Зариф МУҲАММАДЖОНОВ,
Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ.

Суратда: қадрдон корхонасига ёш ишчилар билан учрашувга таклиф қилинган меҳнат ва уруш ветерани Умар Усмонов (ўртада) шу заводнинг зарбдор ишчилари ёш қўлмиш ўғиллари Баҳодир, Борис, Бахтиёр ва жияни Собир Усмоновлар билан завод дарвозасидан чиқиб келаяпти.

А. Абалян фотоси.

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРГАНЛАР

БУНЁДКОРЛАР АРМУҒОНИ

ТОШКЕНТ область колхозлар қурилиш трестининг Ғалаба районидаги колхозлараро кўчма механизациялашган колоннаси азаматлари КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани тобора авж олдиришяпти. КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун курашган колонна бунёдкорлари беш йиллик планни муддатидан илгари бажардилар.

Улар ўнинчи беш йиллик бошидан бўён беш пудрат бўйича пландаги 20 миллион 330 минг сўмлик ўрнига 22 миллион 453 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишди. Уз кучлари билан 9 миллион 988 минг сўмлик иш бажарилди.

Бу рақамларни амалдаги ишга ҳисоблаганда 18 минг 780 квадрат метр уй-жой, 1888 ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 1410 болага мўлжалланган боғча, 1800 бош қорамолга мўлжалланган молхона, 24 минг бош паррандага мўлжалланган комплекс, 9500 тонна минерал ўғит сақланадиган омборхона ва бошқа маданий-маиший объектлар вужудга келтирилди.

Шу трестга қарашли Коммунистик районидаги колхозлараро кўчма механизациялашган колонна коллективи ҳам ўнинчи беш йиллик планини муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Улар бош пудрат бўйича 19 миллион 583 минг сўмлик ўрнига 20 миллион 640 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Ўнинчи беш йиллик плани 105,3 процентга етказиб адо этилди. Улар ҳам ғалабалик ҳамкасблари қатори кўплаб мактаб, болалар боғчаси, турар-жойлар, касалхона ва чорвачилик объектларини бунёд этдилар.

А. ЖАББОРОВ,
«Узколхозстрой» матбуот марказининг ходими.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БУЙЛАБ

БУХОРО.

ҚИШЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ТУГАДИ

● ТОМДИ районидаги ихтисослашган «Авангард» совхозининг механизаторлари қўйларни бўлажак қишловга тайёрлашни тугатдилар. Чорвачилик биноларининг ҳаммаси ремонт қилинди ва исситилди. Етарли даражада озуқа запаси тайёрланди. Чорвадорларнинг ишлаши ва дам олиши учун яхши шароитлар яратилди.

Д. Балимонов номли, Ленин номли совхозлар, «Томди» давлат наслчилик заводи, райондаги бошқа хўжаликларнинг қорақўлчилари ҳам моллар қишловга ҳар томонлама тайёргарлик кўрдилар. Кўплаб чўпонлар ўз подаларини қишлов жойларига олиб чиқдилар.

СУРХОНДАРЕ.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲОСИЛИ УЧУН САОДАТ

Элмуродова ва Қурбоной Қорахонова бошлиқ бригадалар шудгорлашни «Искра» шоликорлик совхозида биринчи бўлиб тугалладилар. Механизаторларнинг ишини қабул қилган мутахассислар шудгор сифатига юқори баҳо бердилар. Ҳар гектар ер шудгор олдидан беш тоннадан органик ўғит солинди.

Беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар икки коллектив астойдил меҳнат қилди. Элмуродова бошлиқ бригадада 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 105,5 центнердан дон йиғиштириб олинди, хўжаликда олдингилар қаторида йириклаштирилган Қорахонова бошлиқ бригада эса 370 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 80 центнердан хирмон кўтарди.

ЖИЗЗАХ.

ҒАЛЛАКОРЛИК — ОИЛАВИЙ КАСБ

● ОПА-сингил эгизак Марил ва Ирина Шурихиналар «Зомин» совхозида биринчи бўлиб кузги бошоқли экинларни экишга киришдилар. Улар донли экинлар ўрим-йиғимида зарбдор механизаторлари билан ана шундай фахрли ҳуқуққа сазовор бўлдилар. Опа-сингил ер ҳайдашда ҳам ибрат бўлмоқда — улар ҳар куни нормада белгиланган 11 гектар ўрнига 16—17 гектар ерни шудгорламоқдалар. Қизларнинг отаси ва мураббийси Алексей Шурихин бу йил деярли бутун оилани далага чиқарди. Мария билан Иринадан ташқари унинг ўғли Василий ҳам экиш агрегатининг штурвалини бошқармоқда.

Тракторлар дала бўйлаб келмоқда. Кондицион уруғлар сифатли ҳайдаб, текисланган ерларга экилмоқда. Бу йил хўжаликда экин майдонининг ҳаммасига кузги дон экишга қарор қилинди. Кузги экинлардан баҳори экинлардан кўра уч-тўрт центнер кўп ҳосил йиғиштириб олинмоқда. Механизаторлар ер қатламини ағдариб, чуқур ҳайдашни ўтган йилдагига нисбатан икки ҳафта илгари тамомладилар. Улар экин экишни 10 ноябргача — энг қулай агротехника муддатларида тугаллаш мажбуриятини олдилар.

ФАРҒОНА.

САҲИ ЕР

РИШТОН районидаги «Сўх» совхозининг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Жалолиддин Исломов бошлиқ бригадасининг картошка йиғиштириб олаётган машиналари картошка майдонларидан чиқишди. Эллик гектар майдоннинг ҳар гектаридан 281 центнердан картошка кавлаб олинди. Бу эса планда белгиланганидан қариб икки баравар кўпдир.

Бу — Фарғона водийсида энг кўп картошка етиштириладиган хўжаликда эришилган энг юқори ҳосилдорликдир. Совхознинг 1200 гектар картошка майдони денгиз сатҳидан 1000 метрдан знёд баландликдаги ерларда чўзилиб кетган.

Бригада бу муваффақиятга деҳқончилик маданиятининг юқори бўлиши, тоғли шароитда картошка етиштиришда илғор агротехник ва механизмлардан кенг қўлланиш туфайли эришди.

(ЎзТАГ мухбирлари).



Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг геология-нефть ва газ қидирув институти илмий ходимлари коллективи республикамиз халқ хўжалигини ривожлантириш учун катта ишларни амалга оширмоқдалар. Кейинги йиллар ичида қатор қудуқлар фойдаланишга топширилди. Янги конлар изланмоқда. Ҳозирги кунда институт олимлари КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олиш учун курашмоқдалар. Суратда: институт илмий ходимлари С. Рамазонов ва А. Принцевлар лабораторияда иш устида.

И. Глауберзон фотоси.

ЧИРЧИҚ ОДИМИ

Социалистик Чирчиқ шаҳар саноати тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Ўнинчи беш йилликнинг ўтган йилларида бу ерда саноат ишлаб чиқариши анча юксалди. Маҳсулот реализация қилиш 30 процент ортди. Бу областимиз индустриал шаҳарлари орасида энг яхши кўрсаткичлардан биридир. Шаҳарда янги ишлаб чиқариш қувватларининг фойдаланишга топширилиши, мавжуд корхоналарни кенгайтириш, ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланиш, асбоб-ускуналарнинг фойдали иш коэффициентини ошириш, социалистик мусобақанинг авж олиши юксалиш омиллари бўлмоқда.

Шаҳар корхоналарида прогрессив технологияни жорий қилиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, янги замонавий асбоб-ускуналарни жорий этиш саноатчилар меҳнат кўрсаткичларининг кескин ортишига олиб келмоқда. Биргина меҳнат унумдорлигининг ортиши 26 процентни ташкил этди. Ҳозирги вақтда ишчи-хизматчиларнинг аксарият кўпчилиги механизациялашган меҳнат билан қамраб олинган.

Саноат корхоналарида тежамкорлик учун қизғин кураш бормоқда. Ҳар бир коллективда материаллар ва хом ашёдан самарали фойдаланиш, ёқилғи-энергетика ресурсларининг исроф бўлишига йўл қўймаслик учун қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ҳар йили тежамкорлик юзасидан аниқ мақсадлар белгиланади ва барча ишчи-хизматчиларнинг кучғайрати берилган ваъданинг муваффақиятли бажарилишига сафарбар этилади. Шунинг учун ҳам ўнинчи беш йилликнинг ўтган даври мобайнида бу соҳада катта ютуқ қўлга киритилди. Деярли 80 миллион сўмлик маблағ тежаб қолинди.

Кўпчилик коллективлар маҳсулот сифатини яхшилаш йўлида тинмай изланиш олиб бормоқдалар. Сифат қатор корхоналар ишчи-хизматчиларининг иш мезони бўлиб қолди. Уларда маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси ишлаб чиқилмоқда ва жорий қилиняпти. Ҳозирги вақтда 11 корхона ана шундай системага эга. Уни қўлланиш, ишчи-хизматчилар ўртасида маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан мусобақанинг пухта йўлга қўйилиши бу соҳада дуруст ютуқларни қўлга киритиш имкониини бермоқда. Бу йил Давлат сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулотлар тури 173 тага етди.

Маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системаси жорий қилинган корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифати жадал суръатлар билан ошмоқда. Уларда юксак сифат категорияси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори у жорий қилинмаган корхоналардагига нисбатан бир ярим баравар ортиқ бўляпти.

Айрим корхоналар коллективларининг маҳсулот сифатини яхшилашдаги тажрибаси намуна бўларли даражададир. Айниқса, трансформатор заводи ишчи-хизматчиларининг бу соҳадаги ишлари мақтовга сазовор. Ишлаб чиқарилаётган трансформаторларнинг қатор турлари жаҳон стандартлари даражасига тўла жавоб бермоқда. Шунинг учун ҳам бу ерда фахрий бешқирра билан тайёрланаётган трансформаторлар ҳажми жами маҳсулотнинг 59 процентини ташкил этяпти. Ўзбекистон химия машинасозлиги заводи коллективи ҳам маҳсулот сифатини яхшилаш имконини берадиган резервлардан оқилона фойдаланмоқда. Шунинг учун ҳам машинасозлар қўлидан чиқаётган қатор химия асбоб-ускуналари ўзининг юксак техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан ажралиб туради. Бу ерда ялпи маҳсулотнинг 36,6 проценти давлат Сифат белгиси билан буюртмачиларга етказиб берилаяпти.

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатида маҳсулот сифати йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Бу ерда давлат Сифат белгиси билан чиқарилаётган қаттиқ қотишмалар реализация қилинаётган барча маҳсулотнинг 25 процентига яқинлашиб қолди. «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида у 22,2 процентни, пойафзал фабрикасида 17,5 процентни ташкил этмоқда.

Маҳсулот сифатининг яхшиланиши мамлакатимиз ичидагина эмас, ҳатто халқаро миқёсда ҳам чирчиқлик саноат корхоналари мижозларининг кўпайишига олиб келаяпти. Ҳозирги вақтда шаҳар саноатчилари ишлаб чиқараётган маҳсулот Совет Иттифоқи бўйича 3 мингдан ортиқ адресга етказиб берилмоқда, жаҳондаги 38 мамлакат харид қилмоқда. Чет эллик мижозларга етказиб берилаётган маҳсулотлар ичида минерал ўғитлар, турли хил қаттиқ қотишмалар, куч трансформаторлари, қишлоқ хўжалик машиналари, химия саноати корхоналари учун асбоб-ускуналар, темир-бетон конструкциялари ва буюмлари, турли хил бинокорлик материаллари, маданий-маиший эҳтиёжлар учун товарлар бор.

Чирчиқ саноатчилари ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулот маркаси шуҳратини янада ошириш йўлидаги изланишларни кенг кўламда давом эттирмоқдалар. Улар унумли, тежамли ва мустаҳкам машиналар, сифатли минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришга азму қарор қилганлар. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги Чақириқлари чирчиқлик меҳнаткашларнинг меҳнат кўтаринкилигини янада кучайтирди. Улар ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани тобора авж олдиришмоқда.

Г. ВОҲИДОВА,
Ўзбекистон ССР Давлат стандартлари республика бошқармаси ходими.

ЛЕКЦИЯ ВА КОНЦЕРТЛАР

Тошкент тўқимачилик комбинатининг маданият саройида «КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди олдидан» мавзуида суратли китоблар кўргазмаси ташкил қилинди. Экспозиция партия билан халқ ҳаётидаги шонли воқеаларни муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўраётган кўп минг кишилик коллективнинг кундалик ишлари тўғрисида ҳикоя қилади.

Сарой ходимлари Ўзбекистон Касаба союзларининг клублари, маданият уйлари ва саройлари социалистик мусобақасига актив қўшилдилар. Бу мусобақа «Маданият соҳасидаги ҳамма ютуқларимиз КПСС XXVI съездига» шиори остида ўтмоқда. Комбинат ёшлари учун ташкил қилинган ижтимоий-сиёсий мавзулардаги лекция ва суҳбатлар бўлиб ўтган партия XXV анжуманининг тарихига бағишланган. «Ҳаётимизни Ильичга қиёс қилиб», «Ўртоқ Ленин, Сизнинг номингиз билан», «Илғорларга тенглашайлик», «Қалбимиз кўри — одамларга» мавзуидаги тематик кечаларга айниқса кўп одам тўпланмоқда. Ана шундай кечалар вақтида комбинатнинг уруш ва меҳнат ветеранлари, машҳур кишилари, энг яхши комсомол-ёшлар бригадалари билан учрашувлар бўлиб ўтади.

Бадиий ҳаваскорлик коллективлари қизиқарли программалар тайёрладилар. Халқ бадиий сўз театри Ўзбекистон ҳақида шеърий спектакль кўрсатди. Бу адабий — музикали композицияга Ҳамза, Зулфия, Раим Фарҳодий ва бошқа шоирларнинг шеърлари, халқ куйлари ва рақслари киритилган. «Ниточка» агитбригадаси ёшларнинг ётоқхоналарига тез-тез бориб туради. «Озон» вокал-чолғу ансамбли, «Ритм» эстрада-рақс ансамбли, ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ҳам бу ерда концертлар қўйиб бермоқда.

Корхона меҳнатчиларининг болалари учун «ишчи ўринбосарлар» деб аталган ўсмирлар клуби очилди. Клуб машғулотларида болалар тўқимачилик сирлари билан таништирилади, ҳуқуқий билимлар оладилар, эстетика асосларини ўрганадилар. Улар учун В. И. Ленининг дўстлари ва сафдошлари тўғрисида «Жасорати боқий кишилар» кинолекторийси ташкил қилинган, тематик эрталиклар, «Биз-Советлар мамлакатининг болаларимиз» мавзуида театрлаштирилган байрамлар ўтказиб турилади.

ЎзТАГ.

БИР ЧАНОҚ ҚАДРИ

Йўлнинг икки ёқасидаги пахтазорга кўз ташлаган кишининг дили қувнайди. Даласарда терим суръати ҳамон жадал. Бу — табиий ҳол.

— Бу пахта осонликча бино бўлган эмас, бир чаноғи ҳам биз учун азиз,— дейди Ҳамид Олимжон номли колхоз раиси Ҳасан ака Эргашев.

Ҳўжалик пахтакорлари 1190 гектар майдонда пахта етиштиришган. Улар октябрнинг бошларидаёқ планни ҳам, мажбуриятни ҳам уддалаб, энди оширилган қўшимча мажбурият ҳисобига пахта топширишаётир. Янги марра — 40 центнер. Бунинг учун давлатга яна салкам 900 тонна пахта топширилади.

— 1975 йили догда қолгандик,— дейди раис сўзини давом эттириб,— йил бўйи 40 центнер учун курашдик. Теримнинг охирги кунигача ишончимиз катта эди. Назаримизда, шунга етарли ҳосил бор эди. Лекин, 39,9 центнерга етди-ю, далада пахта ҳам тугади.— Раиснинг чеҳрасида ҳамон ачиниш аломати сезилиб турарди. Аммо, серҳосил далага қараб, юзларида мамнунлик аломати пайдо бўлди.— Бу йил армондан чиқмасак бўлмайди,— деди қатъийлик билан.

Дарҳақиқат, далада 40 эмас ундан ҳам оширса бўладиган ҳосил бор эди.

Колхознинг уч пешқадам бригадасида 50 центнер учун кураш бораяпти. Улардан бирига Аброл Нурматов бошчилик қилади. Бу коллектив аъзолари 101 гектар майдонда иккинчи теримдаёқ аввалги мажбуриятни бажариб қўйиб, энди оширилган мажбуриятни уддалаш, 505 тонналик хирмон уйиш ниятида меҳнат қилишарди.

Жумақул Пиримқулов, Эгам Ўринбоевлар бошқараётган бригадаларнинг аъзоларидан ҳам эллик центнерчилар ҳаракатига қўшилишган.

Ҳар учала бригада аъзолари юксак марра сари дадил интилмоқдалар. Жумақул ака уста пахтакор эмасми, суръатни сира сусайтирмай пешқадамликни қўлдан бермаётир. Терим бошланганидаёқ олган вимпел ҳамон бригада дала шийпонида хилпираб турибди.

Яхлит карталарда «зангори кема»лар сузиб юрибди. Раис уларга тикилганча мамнун сўзлайди:

— Ипатоволиклар усули қўл келяпти. Шу машиналар хирмонга барака киритиб, теримни тезлатди.

Раис механик-ҳайдовчилар номини меҳр билан тилга оларди. Солижон Каримов 250 тонна, Али Ҳайитбоев 230 тонна, Камол Амиртоев, Эсергеп Фармоновлар 200 тоннадан пахта териш юзасидан берган сўзларининг устидан чиқишяпти.

Раис Камол Амиртоев ҳақида сўзлаганда у ҳайдаб кетаётган «зангори кема» томон ишора қилиб, бир воқеани гапириб берди. У инженер эди. Менга звенони беринг, чигитни ўзим экиб, ўзим ғўзага ишлов бераман. Пахтасини ҳам ўзим терай техника ремонти пайтида инженерлигимни қилавераман, деб қолди.

Правление аъзолари бирарди. Колхоз правлениеси транспорт-тракторлари механизаторлари учун ҳам вимпел, пул мукофотлари таъсис этган. Бу мусобақада Ҳамза Эрмонов пешқадам. Пунктга қарийб 200 тонна пахта етказиб бериб, биринчи ўринни эгаллади, вимпел билан 30 сўм пул мукофоти олди. Иккинчи ўринни эгаллаган Кўчин Омонтоев ҳам мукофотга сазовор бўлди.

Колхознинг пахта пайкаллари узра дала файзигафайз киритган теримчиларнинг ҳазил-мутойибалари, шўх кулгилари эшитилиб турарди. Уларга меҳр билан боқарканмиз, раис мақтаб гапирган чевар теримчилар Улбўсин Мавлонова, Ҳоним Сулаймонова, Гулжаҳон Қурбонова, Минавар Йўлдошева, Ўтахол Муротова, Турдиқул Ўккибоевалар шулар бўлса керак, дея дилдан ўтказдик. Қалбдан уларга тасаннолар айтамиз.

Севимли шоиримиз Ҳамид Олимжон номи билан аталган колхоз деҳқонларининг меҳнат зафарлари, олий ҳимматлари ҳар қанча таърифланса арзийди. Бу ҳўжаликнинг пахтакорлари кўпининг олдида берган аҳдларининг устидан чиқишди. Ҳозир ҳам яхуловчи йил баракали хирмонини янада юксалтириш учун курашни давом эттирмоқдалар.

Ф. УСМОНОВА.
Оққўрғон райони.

«Ўзбекгидроэнергострой» трестининг Товоқсойдаги ёрдамчи хўжалиги коллективи нурхоналар бунёдкорлари дастурхонини деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларига тўкин қилиш учун курашаётирлар. Улар бу йил 4438 тонна сабзавот маҳсулотлари, 244 тонна мева ва 40,9 тонна узум етиштириб, белгиланган планларни ошириб бажардилар.

Ёрдамчи хўжалик чорвадорлари ҳам самарали меҳнат қилишмоқда. Бу йил хўжаликда ҳар бош сигирдан 3 минг килограммдан сут согиб олиш мўлжалланган бўлса, тўққиз ойда бу кўрсаткични ташкил этган бўлса, бу йил уларни 744 тага етказиш мўлжалланган.

Ўн биринчи беш йилликда ёрдамчи хўжаликни янада кенгайтириш режалари белгиланган. Жумладан,бу ердаги қорамоллар, қўй ва эчкилар сонини икки баравар кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Чорва моллари маҳсулдорлиги ҳам оширидиб, гўшт ва сут етиштириш кескин кўпайтирилади. Шуниндек, сабзавот, картошка етиштириладиган экин майдонлари кенгайтирилади. Шу ҳисобга 1985 йил охирига бориб 3168 центнер галла, 3 минг

ЕРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

МАЪМУРЧИЛИК ЙЎЛИДА

2900 килограммни ташкил этди. «Оқ чашма» соҳибалари Ўтасидаги мусобақада Мария Соколова ва Анна Дмитревалар пешқадамлик қилмоқдалар. Улар ўз қарамоғларидаги говмушларнинг ҳар биридан 3700 килограммдан сут согиб олишга аҳд қилишган. Моҳир соғувчилар аҳдга яраша меҳнат қилиб, ҳозирнинг ўзида говмушлари маҳсулдорлигини 3100 килограммга етказишди.

Бу ерда чорвачиликнинг сердаромад тармоқларидан бири — чўчқачиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган йили чўчқалар сони пландаги 489 бош ўрнига 648 бошни ташкил этган бўлса, бу йил уларни 744 тага етказиш мўлжалланган.

Ўн биринчи беш йилликда ёрдамчи хўжаликни янада кенгайтириш режалари белгиланган. Жумладан,бу ердаги қорамоллар, қўй ва эчкилар сонини икки баравар кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Чорва моллари маҳсулдорлиги ҳам оширидиб, гўшт ва сут етиштириш кескин кўпайтирилади. Шуниндек, сабзавот, картошка етиштириладиган экин майдонлари кенгайтирилади. Шу ҳисобга 1985 йил охирига бориб 3168 центнер галла, 3 минг центнер сабзавот маҳсулотлари, 3800 центнер гўшт, 4500 центнер сут етиштирилади. Давлатга гўшт учун топшириладиган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 5300 килограммга етади. Ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сут миқдорини ҳам 4 минг килограммга етказиш мўлжалланмоқда.

Бу тадбирларни изчил амалга ошириш «Ўзбекгидроэнергострой» трести коллективининг чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш имконини беришига шубҳасиздир.

А. ИБРОҲИМОВ.

1981 ЙИЛ ҲОСИЛИ УЧУН КУЗГИ-ҚИШКИ ИШЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ВА СИФАТЛИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИ ЎРТАСИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА

ШАРТЛАРИ

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети 1981 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш мақсадида қуйидаги социалистик мусобақа шартларини эълон қиладилар:

Социалистик мусобақада районлар, колхозлар, совхозлар, «Узсельхозтехника» район бирлашмалари, район суғориш тармоқлари бошқармалари, «Ташводстрой», «Ташмелиоводстрой», «Паркентводстрой» трестлари, Чиноз машина экскаватор станцияси ва уларнинг ишлаб чиқариш бўлинмалари иштирок этадилар.

1981 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўтказиш бўйича социалистик мусобақага 1980 йил 10 ноябрдан бошлаб 1981 йил 1 апрелигача ҳар 10 кунда якун ясаб борилади.

10 кунлик якунига кўра социалистик мусобақада ғолиб чиққан районга Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи берилади ва илғор колхозчилар, совхоз ишчиларига сотиш учун битта енгил машина ажратилади.

Бир ойлик якунига кўра мусобақада ғолиб чиққан «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасига Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети, область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи берилади ва ремонт корхоналарининг илғор ишчиларига сотиш учун битта енгил машина ажратилади.

Бир ойлик якунга кўра мусобақада ғолиб чиққан область суғориш тармоқлари бошқармаси механизациялашган кўчма колоннаси, «Ташводстрой», «Ташмелиоводстрой», «Паркентводстрой» трестлари ва Чиноз машина экскаватор станциясига Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи берилади ва илғор механизаторларга сотиш учун битта енгил машина ажратилади.

Социалистик мусобақага якун ясалаётганда амалда бажарилган иш ҳажми ҳамда 1981 йил ҳосили учун кузги-қишки ишлар қуйидаги муддатларда сифатли бажарилиши ҳисобга олинади:

бошоқли кузги дон экинлари экиш — 1980 йил 10 ноябргача; баҳорги дон экинлари экиш — 1981 йил 10 мартгача;

далаларга маҳаллий ва минерал ўғитлар солиб шудгор қилиш — 1980 йил 10 ноябргача;

кўп йиллик бегона ўтлар илдизларини териб олиш — 1981 йил 10 мартгача;

маҳаллий ўғитларни жамғариш бўйича топшириқни 1981 йил 1 январгача 70 процентга, 1981 йил 1 мартгача 100 процент бажариш;

қишки сабзавот экинларини экиш — 1980 йил 20 ноябргача, эртаги сабзавот экинларини полиэтилен плёнкаси остига экиш — 1981 йил 10 мартгача;

эски боғларни ва токзорларни ремонт қилиш ва янгиларини барпо этиш, тут кўчати ўтказиш бўйича топшириқни 1980 йил 10 декабргача 50 процент бажариш ва бу ишларни 1981 йил 20 мартидан кечиктирмай тугаллаш;

экин майдонларини капитал текислаш бўйича топшириқни 1981 йил 1 январигача 50 процент, 1981 йил 1 мартигача 100 процент бажариш;

янги ерларни ўзлаштириш бўйича топшириқни 1981 йил 1 январгача 40 процент, 1981 йил 1 апрелигача 80 процент ва 1981 йил 1 июнигача 100 процент бажариш;

хўжаликлараро ва хўжаликлар ичидаги суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш, каналларни бетонлаштириш топшириғини 1981 йил 1 январгача 40 процент, 1981 йил 1 мартгача 80 процент ва 1981 йил 1 апрелгача 100 процент бажариш.

Қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш ва 1981 йил баҳорги дала ишларига тайёрлашни қуйидаги муддатларда тугаллашни таъминлаш:

— дон сеялкалари — 1981 йил 1 февралгача;

— ҳайдов тракторлари, ерга ишлов берадиган ва далаларни текислайдиган машиналар, маккажўхори, чигит ва бошқа экинлар экадиган экиш техникасини — 1981 йил 1 мартгача;

— культиваторларни — 1981 йил 30 мартгача.

ЎКТАМОЙ

(ЛАВҲА)

ЎКТАМОЙ яқиндагина шогирд эди. Бугун эса устоз. Шогирди Шарофатнинг қийналаётганини кўрганида, ўзининг фермага келган илк кунларини хотирлайди...

Унга 36 бош ғунажинни ажратиб беришди. Қўлга ўрганмаган ғунажинлар мактаб партасидан тўғри фермага келган ёшгина Ўктамойни анча қийнади. Буни кўрган тажрибали сут соғувчи София опа Давлетова унга ёрдам қўлини чўзди, устозлик қилди.

Устоз кўрсатган йўлдан борган Ўктамой тез орада 36 бош ғунажинниг ҳаммасини ўзига ўргатиб олди. Маҳсулдорликни йил сайин ошириб борди. Биринчи марта мустақил иш бошлаган 1974 йили ҳар бош соғин сигирдан 4150 килограммдан, кейинги йили 4200 килограммдан, яна бир йил ўтгач 4320 килограммдан сут соғиб олди. 1977 йилда ВЛКСМ XVIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, қарамоғидаги сигирлар маҳсулдорлигини 4490 килограммга етказди. Шу боисдан район комсомоллари Ўктамойни улкан анжуманга делегат қилиб сайладилар.

Ўктамой съезддан ажойиб таассуротлар билан қайтди. Комсомолларнинг бу улкан анжуманида янги дугоналар орттирди. У челябинсклик Люда Берт ва Светлана Елисееваларга ўз коллективининг меҳнат ютуқлари тўғрисида тўлқинланиб гапирар экан, бу ҳамкасбларининг ишлари билан ҳам қизиқди. Ўша йили Ўктамой катта меҳнат ғалабасига эришди, қарамоғидаги 36 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 4650 килограммдан сут соғиб олди.

Район советининг депутати Ўктамой Каримовалар оиласини чорвадор оила деса бўлади. Сингиллари Дилбар, Қумрихон, укалари Толибжон, Солижон, Алижонлар ҳам опалари йўлидан бориб, чорвадор бўлишган. Дилбар яқинда «Чорвадор-80» кўрсини муваффақиятли тугатиб келди. Қарамоғидаги 24 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 4000 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишни мўлжалламоқда. Солижон эса ҳозир Совет Армияси сафида. Езаётган хатларида жонажон фермасини соғинаётганлигини, ўз иш жойига тезроқ қайтиш иштиёқида эканлигини билдираётир.

Шу кунларда фермanинг аҳил коллективи КПСС XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, ўтган тўққиз ой мобайнида 728 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 2500 килограммдан ошириб сут соғиб олдилар. Ўктамой эса кунига қарамоғидаги 22 бош соғин сигирдан 280-290 литрдан сут соғиб олиб дугоналарига ўрнак бўлаяпти.

Ўктамой кунлик меҳнатига якун ясаб, сингиллари Дилбархон ва Қумрихонлар билан уйига қайтгач, ойиси унга хат тутқазди. Шошилганича конвертни очди. Светланадан экан. Қувончи ичига сиғмай ўқиди. Светлана бу йил ўз қарамоғидаги сигирларнинг ҳар биридан 3800 литрдан сут соғиб олиш ниятида эканлиги тўғрисида, коллективи ҳақида тўлиб-тошиб ёзибди...

Тун. Ўктамонинг хонасидаги чироқ ҳали ўчмаган. У дугонаси Светланага жавоб хати ёзарди.

Н. ЎТЕГЕНОВ,
Галаба районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхози.



Янгийўлдаги 107-автохўжалик ҳайдовчилари ҳозирги кунларда пахтакорларнинг мададкори бўлмоқдалар. Улар хўжаликларда йиғиб-териб олинаётган «оқ олтин»ни пешма-пеш қабул пунктларига етказиб бераётирлар. Суратда: пунктга автохўжалик машинасида пахта келтирилди. В. Миленький фотоси. (ЎзТАГ).

ДЕПУТАТНИНГ ШАХСИЙ ИБРАТИ

Навоий номли колхознинг Эрйигит Дадажонов бошлиқ бригадасида меҳнат шон-шуҳрати байроғи бу гал ҳам Тошкент область Совети депутати, илғор теримчи Мўътабар Ғонббоева шарафига кўтарилди.

— Мўътабар мавсум бошидан буён илғорликни қўлдан бермаяпти, — дейди бригада бошлиғи Э. Дадажонов. — У кунига 300 килограммга етказиб пахта теришга эришди.

Мўътабар—деҳқон қизи. Ўқувчилик даврида ота-онасига ёрдамлашиб келган қиз мактабни битиргач пахтакорлик касбини танлади. Қўл теримида у билан беллашадиганлар кам топилади. Мўътабар бу йил ҳам теримда пешқадам.

Колхозчилар унга катта ишонч билдириб, бу йил уни область Советига депутат қилиб сайладилар.

У депутат сифатида ҳам халқ ишончини оқлашга интилаётир. Сайловчилар билан учрашувда халқ вакилasига «Октябрь 40 йиллиги» колхозида ҳаммом қурилишини тезлаштириш, Навоий номли колхозда эса колхоз ички йўлларини капитал ремонт қилишга ёрдамлашиш бўйича наказлар берилган эди. М. Ғонббоеванинг ёрдами билан Навоий номли колхоз ички йўлларини асфальтлаш ишлари тугалланай деб қолди. «Октябрь 40 йиллиги» колхозида ҳаммом қурилишини жадаллашиб кетди.

Ҳа, халқ вакили Мўътабар Ғонббоева меҳнатда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам элга ибрат бўлиб, халқ ишончини шараф билан оқлаяпти.

Х. СУЛАЙМОНОВ.
Чиноз райони.

ЭЛЛИКЦЕНТНЕР-ЧИЛАР НАМУНАСИ

БЎКА. «Партия XX съезди» колхози пахтакорлари республика партия ва ҳукумати Мурожаатига амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Улар юксак социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшириб, ҳосилдорликни ўтган йилдагига қараганда 4—5 центнер ошириш учун курашмоқдалар. Айниқса, колхознинг Неъмат Жўраев, Тўхтабой Кенжабоев, Шербек Душабоев, Пардабой Мамадиев, Нурмаҳамад Турсунов ўртоқлар бошлиқ 50 центнерчи бригадалари катта ютуқларга эришмоқдалар.

Механик-ҳайдовчиларнинг ўзаро социалистик мусобақасида ҳозиргача 170—200 тоннадан ошириб пахта терган Сайфулла Ҳошимов, Ашир Маманов, Бегали Қучалиев, Маматқул Баратов ва бошқалар байроқдорлик қилишяпти. Мавсумда 200 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олган бу пахтазор шунқорлари аҳдларининг устидан чиқиш учун ўз агрегатларини маҳорат билан бошқармоқдалар.

Етиштирилган мўл ҳосилни нес-нобуд қилмай тезроқ териб олишда Оржоникидзе районидаги 29 ва 35-мактабларнинг ўқувчилари, консерва заводи ҳамда Ангрен қурилиш материаллари комбинатининг ишчилари пахтакорларга самарали ёрдам кўрсатдилар.

Колхоз пахтакорлари ҳосилдорликни 40 центнерга етказиб, партиямиз XXVI съезди шарафига Ватанга 5000 тонна «оқ олтин» армуғон этиш юзасидан олган юксак мажбуриятларини яқин кунларда бажариш учун курашмоқдалар.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

ҚЎЛИ ШИРИН

Дала шийпонига етиб келганимизда туш пайти яқинлашиб қолган эди. Атрофга разм соламиз. Ҳаммаёқ саранжом-сариша, озода, сув сепилган. Ариқ бўйидаги тол тагида катта самовар қайнаб турибди. Ош қозонда тушлик овқат тайёр. Кўп ўтмай колхозчилар бирин-кетин кела бошлашди.

— Ассалому алайкум Фарида опа.

— Ваалайкум ассалом, ҳорманглар йигитлар.

— Саломат бўлинг, опажон.

Йигитларнинг кайфияти чоғ эди. Чунки меҳнатларни унумли бўлди. Қанчадан-қанча ҳосил йиғиб олиниб, шаҳарликларга тортиқ қилинди.

Фарида опа доим колхозчиларни ана шундай илиқ қарши олади. Опа 32 йилдирки, шу колхозда ошпазлик қилади. У айни кунларда колхознинг Азиз Аъзамов бошлиқ бригадасида меҳнат қилаётир.

— Бригадамизда 52 гектар экин майдони бор. Ҳозиргача ҳар гектаридан 25—30 тоннадан сабзавот маҳсулоти йиғиб олдик. Планимизни 110 процент қилиб бажаришга сўз берганмиз. Бунда ҳеч шубҳасиз ошпазимиз Фарида опанинг ҳиссаси катта.

Фарида опа Ҳакимова ўз касбига астойдил меҳр қўйганлиги туфайли элда обрў-эътибор топди. Бир неча марта халқ унга ишонч билдириб, қишлоқ Советига депутат қилиб сайлади. Опанинг ҳалол меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Унинг кўксини «Шавкатли меҳнати учун» ва бир қанча медаллар безаб турибди.

З. ТОШМУҲАМЕДОВА,
Калинин районидаги Калинин номли колхоз.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● БУДАПЕШТ. Ярослань кўмир ҳавзасининг шахтёрлари шахталарда ўтказилган «Қизил шанбалик» давомида қарийб уч минг тонна кўмир қазиб чиқардилар. Шундай қилиб, бу йил мамлакат ҳавза кончиларидан пландан ташқари олган ёқилғи миқдори 200 минг тоннадан ошиб кетди.

Ярослань шахтёрлари коммунистик шанбаликлар вақтида ишлаб топган маблағларини ўз шаҳарларида маданий, спорт ва болалар иншоотлари қурилиши фондига ўтказмоқдалар. Кончилар шу йилнинг ўзидагина бу фондга 7 миллион форинтдан зиёд маблағ ўтказдилар.

● ТОКИО. Японияда ер нархи ғоят тез ўсиб бормоқда. Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида унинг нархи 8,3 процент ошди. Бу эса 1973 йилдан буёнги энг юқори кўрсаткичдир.

● МАНАГУА. Гондурас пойтахти — Тегусигальседа Чили фашист хунтасининг элчихонаси ўққа тутилган. Бу воқеа АҚШ элчихонаси ҳудди ана шундай тарзда ўққа тутилганидан кейин бир сутка ўтгач рўй берган.

Бу қуролли ҳужумни ватанпарварлардан бир гуруппаси Чили ҳарбий «маслаҳатчилари» Сальвадор тараққийпарвар кучларининг озодлик ва демократия учун олиб бораётган курашини бостиришда актив қатнашганлигига қарши норозилик юзасидан амалга оширган.

(ТАСС, 3 ноябрь).

Дунё овози
Чет эл хабарлари

ЯКШАНБА КУНГИ ЧЕТ ЭЛ ВОҚЕАЛАРИ

МУНОСАБАТЛАРНИ НОРМАЛЛАШТИРИШ УЧУН

БУДАПЕШТ. Кампучия Халқ Республикаси Таиланд билан муносабатларни музокаралар орқали тезроқ нормаллаштириш ва иккала мамлакат ўртасидаги низоли масалаларни ҳал этиш учун ҳаракат қилмоқда, деди Кампучия Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Хун Сен «Непсабадшаг» газетасининг мухбири билан суҳбатда. Кампучия—Таиланд чегарасидаги кескинликни батамом тугатиш Жанубий-Шарқий Осиёдаги аҳволни стабиллашга ва тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИ ИШ УСТИДА

БУХАРЕСТ. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши фан-техника ҳамкорлиги комитетининг навбатдаги мажлиси шу йил 30 октябрдан 1 ноябргача Бухарестда бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг, шунингдек ЮСФРнинг вакиллари қатнашдилар. Комитетнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ижроия комитети 97-мажлиси қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди. Бир қанча машиналар ва асбоб-ускуналарни ихтисослашув ва кооперация асосида биргаликда яратиш ва ишлаб чиқариш масалаларини кўриб чиқишга алоҳида эътибор берилди. Комитет фан-техника ҳамкорлиги программасини ишлаб чиқишга оид таклифларни ҳам маъқуллади.

УЙДИРМАЛАР РАД ҚИЛИНДИ

КОБУЛ. Империалистлар пропагандаси билан Покистон реакцион милитаристлар доирасининг гўё яқинда АДР қуролли кучлари вертолётлари чегарани кесиб ўтиб, Покистон территориясидаги «қочоқлар» деб аталганларнинг лагерларини бомбардимон қилди, деб тарқатган уйдирмаларини Афғонистон ахборот агентлиги — Бахтар қатъиян рад қилди.

Тинчликсевар Афғонистон бошқаларга қарши агрессия қилиш мақсадини ҳеч қачон кўзламаган эмас. Аксинча, айни империализм билан Покистоннинг реакцион милитарист доиралари мустақил ва революцион Афғонистоннинг ички ишларига ошкора аралашмоқдалар, газандалар ва қотилларни қурол-яроғ билан таъминламоқдалар, уларни тайёрлаб АДР территориясига юбормоқдалар, деб таъкидлайди Бахтар агентлиги.

ХАЛҚҚА ДАЪВАТ

ВАШИНГТОН. Уругвайнинг оппозициячи кучларини бирлаштирувчи демократик иноқлик уюшмаси мамлакат халқига мурожаат қилиб, Уругвай маъмурларининг янги «конституция» масаласи юзасидан 30 ноябрь куни «референдум» деб аталган нарсани ўтказиш режаларига қатъиян «йўқ» деб жавоб беришга чақирди. Уюшма томонидан тарқатилган баёнотда уқтириб ўтиладики, «режимнинг демократияга қарши, зўравонлик фалсафаси тўла-тўкис ифодаланган конституция лойиҳасини ҳар бир софдил уругвайлик рад қилади». Бу конституция лойиҳасини ҳарбий тўда яширин тарзда ва уругвай халқидан пинҳон тутиб ишлаб чиққан. Шу боисдан ҳам у мана шу тўданинг хоҳиш-иродасини ифодаламайди.

(ТАСС, 3 ноябрь).

ИРОҚ—ЭРОН МОЖАРОСИ

БАҒДОД, 3 ноябрь. (ТАСС). Ироқ бош ҳарбий қўмондонлиги эълон қилган ахборотда айтилишича, Ироқ авиацияси Дизфул яқинида Эрон армиясининг маконларини бомбардимон қилиб, душманга катта зарар етказди, шунингдек Бахмашир бўғозида Эроннинг иккита ҳарбий катерини ғарқ қилиб юборди.

Ироқ қўшинлари, дейилади ахборотда, жанглар давомида Эроннинг 69 нафар аскарини қириб ташладилар ва 3 автомашинасини яксон қилдилар, кўп миқдорда ўқ-дори ва ҳарбий анжомларни қўлга туширдилар.

Шу жангларда Ироқ томони 20 кишидан ва 1 автомашинадан маҳрум бўлди, дейилади расмий маълумотда.

Бағдодда Ироқ миллий кенгашининг сессияси очилиши вақтида сўзга чиққан кенгаш раиси Н. Ҳаддад, башарти Вашингтон бирон бир баҳона билан Эронга ҳарбий анжом юборадиган бўлса, менинг мамлакатим АҚШнинг Эрон-Ироқ можаросидаги позициясини бетараф позиция деб ҳисоблай олмайди, деган гапни айтди.

ТЕҲРОН, 3 ноябрь. (ТАСС). Эрон оммавий ахборот воситалари Хузистон вилоятида қизғин жанглар давом этаётганини хабар қилмоқда. Эрон қўшинлари душманнинг Ободон районидаги силжишини тўхтатиб қўя олганликлари қайд этилмоқда. Аҳваз томонидаги жанглар вақтида бир неча танк йўқ қилинди. Ироқнинг 100 нафар аскари ўлдирилди.

НОРОЗИЛИК ҲАРАКАТИ

ЛОНДОН. Британия оролларида мамлакатни милитаристлаштиришга ва унинг территориясида Американинг ядровий ракеталари жойлаштирилишига қарши норозилик ҳаракати кенгайиб бормоқда.

Урушга қарши оммавий ташкилот —«ядровий қуролсизланиш ҳаракати» ташкилотининг аъзолари 1980 йилнинг ўзидагина икки ҳиссадан кўпроқ ошди. Бу йил бутун мамлакатда мазкур ташкилотнинг 200 маҳаллий бўлими очилди.

Турли сиёсий ва диний эътиқоддаги тобора янги-янги кишилар тинчлик тарафдорларининг сафига қўшилмоқдалар, деб ёзади «Сандй Таймс» газетаси. Улар турли социал группаларнинг вакиллари бўлсалар ҳам, аммо бир муддао — тинчликка интилиш, жаҳон термоядро фалокати хавфи кучайиб боришига қарши кураш муддаоси билан бирлашганлар, деб таъкидлайди газета.

(ТАСС, 3 ноябрь).



Бўка районидаги Фрунзе номли колхоз сут соғувчилари ўртасида сигирлар маҳсулдорлигини ошириш учун социалистик мусобақа авж олиб кетган. Бу мусобақада С. Фозилова ва Г. Жуманова ўртоқлар пешқадамлик қилаётирлар. Улар ҳозирги кунларда ҳам говмушларидан 10—12 килограммдан сут соғиб олаётирлар.

Ҳ. Аввалов фотоси.

К. К. ЮДАХИН ТУҒИЛГАНИГА 90 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ТУРКОЛОГИЯ ФАНИНИНГ БИЛИМДОНИ

Унинг ҳаёт фаолияти умуман Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистон республикалари билан чамбарчас боғлиқдир. Бундан 90 йил олдин дунёга келган Константин Юдахин худди мана шу ўлкаларда ўзбек, қирғиз, қозоқ, туркман ва қорақалпоқ тилларини мукаммал ўзлаштирди. Бу халқларнинг миллий урф-одатларини ўрганди. У 1906 йили Жамбул билим юртини тугатиб, Тошкентдаги Туркистон ўқитувчилар семинариясига ўқишга кирди. Семинарияда таълим олиш жараёнида у форс тилини ҳам ўрганиб олди. Мактаб ва Қорабулоқ мактабларида ўзбек тилидан дарс берди.

1915—1920 йилларда Константин Кузьмич Юдахин Синь-Цзянь вилоятида яшаб уйғур тилини ҳам ўзлаштиради. У Ўрта Осиё университетининг Шарқ факультетини тугатиб, Ленинграддаги Шарқ тиллари институтида, университет ва СССР Фанлар академиясида туркий тилларнинг катта билимдони сифатида самарали меҳнат қилади. Ана шу йиллар давомида К. К. Юдахин бир қатор турк ва форс тиллари бўйича мутахассис сифатида танилди. У биринчи бўлиб ўзбекча-русча луғат ҳамда қирғизча-русча луғатларни тузди.

1932 йили Москвага кўчиб келган ёш олим шарқшунослик институтининг уйғур тили кафедрасини бошқарди. Бу ерда у профессорлик унвонини олади. У В. А. Гордлевский ва В. М. Насилов каби таниқли тилшунос олимлар билан ҳамкорликда турк тилларининг орфографияси, терминологияси ва орфоэпиясини ривожлантиришда катта ҳисса қўшди. Айниқса, қирғиз алфавитини такомиллаштириш ва равнақ топтиришда К. К. Юдахиннинг хизматлари каттадир. Шунинг учун ҳам 1944 йили Қирғизистон ҳукумати раҳбарларининг таклифига биноан у Фрунзе шаҳрига ишга таклиф қилинди. Бу ерда олим адабиёт, тил ва тарих институтида сектор мудири, М. В. Фрунзе номидаги Қирғизистон Давлат педагогика институтининг ўзбек тилшунослиги кафедрасининг профессори бўлиб ишлайди.

Олим бевосита Ўзбекистон туркологлари билан ҳам яқиндан алоқада бўлди. У ўзбек тилшунослигининг диалектологик асослари тадқиқотчиларидан бири бўлиб, мукаммал изланиш олиб борди. 1952 йили К. К. Юдахин Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси мухбир аъзоси бўлди.

Олимнинг «Манғит диалектикасининг фонетик хусусиятлари», «Чиғатой тили», «Товуш таркиби проблемалари», «Уйғур хрестоматияси», «Уйғур ва ўзбек тилларининг ўзаро муносабатлари», «Қирғиз диалектикаси классификацияси», «Водил шеваси ҳақида бир неча сўз» каби кўплаб тадқиқотлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Айниқса, олимнинг қирғиз лексикаси материалларини системага солиш бўйича олиб борган иши қимматлидир.

1965 йил К. К. Юдахин раҳбарлиги ва бевосита иштирокида Москвадаги «Советская энциклопедия» нашриёти қирғизча-русча луғатни чоп этди. 40 минг сўзнинг луғавий маъносини ифода қилган бу фундаментал асар қирғиз халқининг тарихини, урф-одатини, психологиясини акс эттиради. Қирғизистон Фанлар академиясининг академиги, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби К. К. Юдахинга бу илмий тадқиқоти учун 1967 йили СССР давлат мукофоти берилди.

Йирик турколог олим К. К. Юдахин Иттифоқимизда етишиб чиққан кўплаб олимларга мураббийлик қилди. Жумладан, СССР педагогика фанлари академиясининг академиги марҳум В. В. Решетов, Қирғизистон ССР фанлар академиясининг академиги марҳум Б. М. Юнусалиев, шунингдек, С. Кудайберганов, А. Алиев, С. Низомиддинова каби фан докторлари ва кандидатлари ҳам олимнинг ҳақиқий шогирдлари сифатида унинг фаолиятини давом эттиришмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз олимнинг хизматларини юксак баҳолаб, уни Ленин, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат белгиси» орденлари ҳамда бир қанча медаллар билан тақдирлаган эди. 85 йил ҳаёт кечирган ажойиб педагог, талантли олим ва зукко таълим тадқиқотчи, турк ҳамда форс тилларининг жонли билимдони К. К. Юдахин дўстлари ва шогирдлари қалбида ёркин из қолдирди. У туркология фанининг асосчиларидан бири, йирик диалектолог ва лексикограф сифатида фан тараққиётига катта ҳисса қўшди.

Ҳ. ГУЛОМОВ,
Рус тили ва адабиёти педагогика институтининг доценти.

А. ХОЛМУРОДОВ,
институт илмий ходими.

МУҲАББАТ ОШИЁНИ

Дунёнинг тилаги, самараси ҳам биз,
Ақл кўзин қораси — жавҳари ҳам биз,
Тўгарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз унинг кўзи — гавҳари ҳам биз.
(Умар Ҳайём).

Ҳаёт ширин, муҳаббат ширин, фарзанд ширин, дейміз. Инсонга бу туйғу — ҳисларнинг ҳаммаси керак. Ҳаётга ширин умид билан келамизу, тоҳида унинг лаззатини, тоҳида изтиробини ҳам чекамиз. Одам боласининг боши — табиатнинг тоши, деганларидек, бир марта бериладиган умрда бошимиздан неча хил севинч-ташвишларни кечирамиз, чунки биз инсонмиз, донишманд айтгандек, «тўгарак жаҳон»нинг гавҳаримиз, ҳар бир қиррамизда — ҳислат-фазилатларимизда инсонликнинг барча кўринишларини акс эттирамиз.

Инсон борки, унинг юрагига меҳр-муҳаббат ошиён қуради: онага, отага, уйдагиларга, одамларга, она — Ватанга... Қўйинг-чи, бу оламга муҳаббат боғлаймиз, унинг куч-қуввати, ажралмаслиги, йўқолмаслиги туфайли бир умр ундан холос бўлолмаймиз. Бу муҳаббатнинг таъриф-тафсифи ҳам, баҳоси ҳам, тенг келадигани ҳам йўқ. Инсонга бу муҳаббатни саҳий табиатнинг ўзи бир умрга инъом этган.

Ишқ-муҳаббатни ҳам шу она-табиат беради. Бу муҳаббатни нимага ўхшатса бўларкин!? Унда ойнинг латофати, қуёшнинг ҳарорати, инсонийликнинг ҳамма шарофати мужассамлашганга ўхшайди. Икки пок қалбда туғилган соф муҳаббат нақадар тотли! Бир шоҳда жуфт етилган олма десамми, бир ҳарсанг тош тагидан қайнаб чиқаётган икки тиниқ чашма десамми, бири Қуёшу, бири Ой десамми, муҳаббатни буларнинг қай бирига қиёс қилсам бўлади! Бир сўз билан айтсам, инсон муҳаббати улуғ оламга тенг туйғудир. Инсоннинг руҳий олами билан шуғулланувчи олимлар, шоирлар, буюк алломалар муҳаббатни доим улуғлаганлар. Зотан, ҳаёт бор экан,— муҳаббат бор, муҳаббат бор экан —ҳаёт бор! Ақл-заковатли, пок юракли, чин инсонгина муҳаббатни қадрлайди, ардоқлайди, авайлайди. Ана шундай соф муҳаббат асосида қурилган оилада меҳр-оқибат, самимийлик тантана қилади. Ҳаётнинг тўсиқларини муҳаббат қудрати парчалаб ташлайди. Шу ўринда Неъматжон деган кишининг турмушидан бир ҳикоя келтираман.

Бу оилага ҳамма ҳавас қилади. Неъматжон ака Ҳолисхонни севиб турмуш қурди. Холисхон у билан чорак аср бирга яшади-ю, лекин тақдир экан, фарзанд кўришмади. Шу йиллар ичида Неъматжон ҳам, Холисхон ҳам кўп изтироб чекишди.

— Ахир, сиз фарзандсиз, ўтманг дунёдан, деган андиша...

— Бўлди... иккинчи оғзингга олма дедим-ку...— Неъматжон ака қатъият билан хотинини яна қайириб ташлади.

Шу-шу бўлди-ю, бу ҳақда оилада гап очилмади. Улар икки фарзанд (ўғил ва қиз) асраб олишди. Ҳозир улар катта бўлиб қолишди. Лекин тақдир яна бир аччиқ ҳунарини кўрсатди. Холисхон опа қирқ уч ёшида оғир хаста бўлиб, оёқ-қўли ишламай ётиб қолди. Неъматжон ака тақдир билан курашга бошлади. Холисхон опага содиқ қолиб, унинг дардига малҳам, юрагига устун бўлди.

Хаста хотинни оқ ювиб, оқ тараб, иссиқ совугини тайёрлаб, болаларни боғча ва мактабга олиб бориб қўярди. Яна тушдан кейин илм ўчоғи — мактабга бориб ёш авлодга илм ўргатарди. Хотинининг дарди оғирлашса, шифокор чақирар, дори-дармон олиб келар эди. Поликлиникадан оқ ҳалатли шифокорлар ҳар куни келиб, Холисхондан хабар олар эди. Неъматжон ака хотинининг тузалиб кетишига умид қилар, лекин айни пайтда унинг дарди оғирлигини ҳам биларди.

Йиллар ўтаяпти. Холисхон опа ҳали оёққа тургунича йўқ, ҳамон дардчил. Юраги муҳаббат билан тепиб, яшаш учун курашаяпти. Балки унинг юраги Неъматжон акадинг буюк муҳаббатидан қувват олаётгандир. Буни фақат севишган юраклар сезади. Бу покиза, бегубор севгининг буюк қудрати, инсонни қадрлай билиш ва чинакам оқибат тантанасидир!

Бир-биримизни севайлик, ардоқлайлик, азиз одамлар! Дунёда инсонлар ўртасида меҳр-муҳаббатдан ортиқроқ яна нима бор?

Муҳаббат РАСУЛОВА,
Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг илмий ходими.

ОҚИБАТ

Лекин бир-бирларидан бу ички дардни пинҳон сақлашар, унинг юзага қалқиб чиқишига асло йўл беришмасди.

Жуда тогув, иноқ, меҳр-оқибат билан яшашарди... Ички дард барибир юзага чиқди. Холисхон опа бир куни юрагида борини тўкиб, эрига самимий фикрини айтди:

— Неъматжон ака, сиз уйланинг, мен мингдан-минг розиман...

Неъматжон ака хотинига ҳайрат билан узоқ тикилиб қолди-да, у бу гапни жуда самимий, чиндан айтаётганини сезиб юраги увишиб кетди:

— Тушингни сувга айт, Холис,— деди Неъматжон ранжиб,— оқибат шу бўлдими энди?.. Шунча йиллик турмуш, сенга бўлган меҳрим-чи? Муҳаббат-чи? Сенсиз бу дунё менга қоронғи. Иккинчи бу гапни оғзингга олма...

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

Пойтахтдаги Куйбишев ошхоналар трестининг қандолат цехида 25 турдан кўпроқ маҳсулот тайёрланади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган торт, пирожное, печенье ва бошқа қандолат маҳсулотлари кўпчиликка манзур бўляпти.

Цех қандолатчилари Октябрь байрами дастурхони ноз-неъматларга тўкин бўлиши учун барча чораларни кўряпти. Ҳозир бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини ва миқдорини кескин кўпайяпти. Суратларда: қандолатчилар Л. Кандалова (чапда) ва А. Эргашевлар иш устида.

В. Сироткин фотолари.





РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ҲАММОМ МОЖАРОСИ

— Ҳаммом ремонти тугай деб қолдими? — деб сўради ювингани келганлардан бири.

— Эй, ака, сиз сўраманг, мен жавоб бериб куймай. Отпускамиз ўтиб кетганига анча бўлди. Икки ой ўз ҳисобимиздан «ўйнаб» ҳам келдик. Аммо, ҳаммом ремонтининг ҳали-бери тугашига кўзимиз етмай қолди, — деди афсуланиб ходимлардан бири.

Маҳалламизда ҳаммом қурилиб, унга 2-номер берилганда севинчимиз ичимизга сигмай юргандик. Чунки, 2-номерли ҳаммом бир вақтлар шаҳримизда жуда машҳур эди. Аммо, кўп ўтмай қувончимиз ташвиш билан алмашинди. Ҳаммомнинг кунда, кунора «чатоғи» чиқаверди. Бир қарасангиз «қозон ёрилди» баҳонасида ишламай ётса, бошқа вақт иссиқ сув бўлмайди. Совуқ сувга ювиниб, безгакдек қалтираб чиқамиз.

Устига устак чўмилиш хоналарига буғ трубалари ўрнатиш негадир бошлиқларнинг қаёлидан кўтарилган. Мана ярим йилдирки, эркаклар хонасининг эшиги ёпилиб қолиб, тилсимини тополмай юрибмиз. Ремонт бошланиб, баъзи деворлар бузиб ташланган, жўмраклар эса кўчирилиб қайта ўрнатилмаган. Сабабини сўрасак, «материал йўқ эмиш» деган мужмал жавоб беришади.

Яна бир афсусланарли жойи шундаки, душхоналар ҳам антисанитария аҳволида, хоналарнинг девор ва эшиклари бузилган, ифлос.

Хуллас, сансалорлик айрим мутасадди шахсларнинг масъулиятсизлиги, кўпчиликнинг эҳтиёжини менсимаётганлиги туфайли арзимас бир ҳаммом каттагина можаро бўлиб турибди.

Киров район ижроия комитети. Тошкент шаҳар ижроия комитети аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси ва 1-ремонт қурилиш бошқармаси раҳбарлари бу можарога қачон чек қўйишаркин?

Киров районидаги «Бодомзор» маҳалласи кексалари номидан

Б. ЮСУПОВ,
меҳнат ветерани.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА МЕҲНАТКАШЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ 1980 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги байрами шарафига 1980 йил 7 ноябрда В. И. Ленин номли майдонда Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг ҳарбий паради ва Тошкент шаҳри меҳнаткашлари вакилларининг намойиши бўлади.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг паради соат 10.00 да бошланади.

Меҳнаткашларнинг намойишда иштирок этувчи вакиллари корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар бўйича йиғилиш пунктига тўпланиб, район колонналари тартибида белгиланган маршрут бўйлаб В. И. Ленин номли майдон томон борадилар.

В. И. Ленин номли майдонга таклиф билети бўлган кишиларни қўйиш соат 9.45 да тўхтатилади.

Навоий, Энгельс, К. Маркс, Пролетар, Ш. Руставели, Ўзбекистон кўчаларининг, В. И. Ленин номли проспектнинг шаҳар марказидаги қисмида махсус рухсатномаси бўлган автомашиналардан ташқари ҳамма турдаги транспорт қатнови соат 7 да тўхтатилади ва у меҳнаткашлар намойиши тугаганидан сўнг бошланади.

Тошкент метрополитени 7 ноябрда эрталаб соат 6 дан тунги соат 2 гача ишлайди. «Пахтакор» ва «Октябрь инқилоби» станцияларидан соат 8 дан 14 га қадар фақат чиқиш мумкин. Бу вақт ичида эса «В. И. Ленин номли майдон» станцияси берк бўлади.

ШАҲАР БАЙРАМ КОМИССИЯСИ.

Спорт

«УНИВЕРСИТЕТ» ҒАЛАБАСИ

Тошкент Давлат университети баскетболчилари бу мавсум биринчи бор олий лигада қатнашишларига қарамай ўзларининг яхши ўйинлари билан мухлисларни хушнуд этишмоқда. Новосибирскнинг «Локомотив» командасини қабул қилган тошкентликлар 78:70 ҳисобида ғолиб келишди.

Бу сафар ҳам бундан аввалги учрашувлардагидек мезбонлар иккинчи бўлимни уюшқоқлик билан, кўтаринки рухда ўтказдилар. Биринчи бўлимда 32:34 ҳисобида ютқазиб турган «Университет» якуновди дақиқаларда бехато ўйнаб, муваффақиятга эришди. В. Филюшкин билан Г. Авдеевлар ҳаммадан кўп бирга-лашиб, 47 та очко келтирдилар.

Олти турдан сўнг тўққиз очко тўплаган тошкентлик баскетболчилар жадвалда еттинчи ўринни эгаллаб турибди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Мамлакат футбол чемпионати маррага яқинлашмоқда. Бу йилги чемпионлик унвонига асосан икки команда даъвогарлик қилмоқда. Булар Киевнинг «Динамо» ва Москванинг «Спартак» коллективларидир. Сўнгги турда Киевда ана шу икки команда ўртасида бўлиб ўтган учрашув украин футболчиларининг ғалабаси билан (2:0 ҳисобида) тугади ва орадаги фарқ янада ошди. Киев динамочилари 46 очко билан якка пешқадамлик қилишмоқда, «Спартак» ҳисобида эса 41 та очко бор.

«Пахтакор» Москвада «Торпедо» билан учрашиб, 0:1 ҳисобида енгилди. Шу турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Зенит» — «Динамо» (Тб) — 3:2, «Қайрат» — «Динамо» (М) — 0:1, «Нефтчи» — ЦСКА 1:0, «Черноморец» — «Локомотив» — 1:0, «Шахтёр» — СКА — 5:1, «Карпат» — «Кубань» — 2:1, «Арарат» — «Динамо» (Мн) — 1:0.

«ПАХТАКОР» ХОТИРА СОВРИНИ ТУРНИРИ

«Пахтакор» командасининг ҳалок бўлган ўйинчилари хотира совринчи учун ўтказилган турнир нихоясига етди. Ўтган дам олиш куни Марказий «Пахтакор» стадионида финалда Тошкентнинг «Старт» ва Фарғонанинг «Нефтчи» командалари учрашди. Фарғоналиклар биринчи бўлиб ҳисобни очишган бўлса-да, кейинчалик ўз дарвозаларидан иккита тўп ўтказиб юбордилар. «Старт» турнир ғолиби бўлди. Бундай мусобақаларни ҳар йили ўтказиб туришга қарор қилинди.

КЕКСА ЖУРНАЛИСТ ЮБИЛЕЙИ

Кекса журналист, ёзувчи ва драматург, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг мухбири Босит Халилов 70 ёшга тўлди. У ўзининг қариб эллик йиллик ижодий фаолиятини матбуотга бағишлади.

Б. Халиловнинг юбилейи муносабати билан ўтказилган тантанали кечада унинг ҳамкасблари, кўпдан-кўп шогирдлари ва газетхонлар қатнашиб, юбилярга эзгу ниятлар тилаклари, самимий дил сўзларини изҳор этдилар.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7 НОЯБРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 да

Норвегия бўйлаб гастролда қатнашган

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ

ҲИСОБОТ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган Давлат халқ рақс ансамбли «БАҲОР»

Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Қаҳрамон ДАДАЕВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти ва Гаванада бўлиб ўтган XI Жаҳон фестивалининг лауреати Маъмура ЭРГАШЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва СССР Давлат мукофотининг лауреати Баҳтиёр АЛИЕВ.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ, Гулчеҳра ФОЗИЛЖОНОВА, Угилой САИДОВА, Насиба МАДРАҲИМОВА, Раббим ҲАМДАМОВ.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари: Дилбар ЮНУСОВА, Гулсум ҲАМРОЕВА, Филруза НИЗОМИДДИНОВА, Талъат САИФИДДИНОВ.

Солистлар: Гуломжон ЁҚУБОВ, Аҳмаджон ШУКУРОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Гулчеҳра ФОЗИЛЖОНОВА олиб боради.

«БАҲОР» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССР халқ артисти Қундуз МИРКАРИМОВА.

Мусиқа раҳбари — Музаффар МУҲАМЕДОВ.

БИЛЕТЛАР СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИ КАССАСИДА СОАТ 14.00 ДАН СОТИЛАДИ.

ЭЪТИБОР КУЧАЙМОҚДА



Оққўрғон районидаги 14-дорихона коллективи тоғларда турли шифобахш ўсимликлар териб тайёрлашда иштирок этишмоқда. Суратда: дорихона ходимларидан М. Қорабоева (чапда) ва Г. Тожибоевалар йиғилаётган ўсимликларни кўздан кечиришмоқда.

С. Бобожонов фотоси.

ХАЛҚАРО классдаги СССР спорт мастери, Европа чемпионати ва СССР халқлари VII ёзги спартакиадасининг совриндори Энвер Абдуроманов ўз тажриба ва маҳоратини ёшларга сабот билан ўргатаётир.

Машҳур спортчи бошқараётган тўгаракка 74 нафар ёш полвон жалб қилинган. Улар икки группага бўлиниб, эркин ва классик кураш сирлари билан танишмоқдалар, тинимсиз жисмоний машқлар ўтказиб, гиламда куч синашяптилар. Албатта, ҳар бир спортчи устозлари эришган муваффақиятларни яхши билишади. Уларни ҳам катта мусобақаларда ана шундай шуҳрат қозонишни орзу қиладилар.

Шунинг учун ҳам ёш полвонлар область ва республика мусобақаларида яхши натижа кўрсатишяпти. Устоз сабоқларига амал қилаётган эркин курашчи Файзулла Мусаев гиламга фақат ғалабани кўзлаб тушаётир ва катта муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

Бу йил ўтказилган мактаб ўқувчиларининг республика аънанавий спартакиадасида областимиз спорт шарафини ҳимоя қилган Калинин районн ёш полвонлари эркин кураш бўйича иккинчи ўринни, классик кураш бўйича учинчи ўринни эгаллашди. Бунда, шубҳасиз, тажрибали спортчи Э. Абдуромановнинг ҳиссаси катта.

— Спортчиларимиз йил сайин область ва республика мусобақаларида фаол қатнашиб, юқори кўрсаткичларга эришаяптилар, — дейди район физкультура ва спорт комитетининг раиси Ясин Рашидов. — Бунинг боиси, аввало, спорт турлари бўйича секциялар сони кўпайганидир. Ҳозир ёшларимиз спортнинг 14 тури билан мунтазам шуғулланишяпти. Иккинчидан тренерлик ишига номдор спортчилар, тажрибали педагогларни жалб қилдик. Тўгаракларга Г. Силантьев, Л. Горбунов, Д. Иброҳимов каби ўз касбининг усталари раҳбарлик қилишяпти.

Ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун қулай имконият яратиб берилганлигини ҳам таъкидлаш керак. Масалан, кейинги икки йил ичида жойларда 16 та волейбол, 9 та баскетбол, 11 та қўл тўпи майдончалари қуриб, фойдаланишга топширилди. Яқиндагина барпо этилган сув ҳавзаси, марганлик майдони ҳам ёшларнинг севимли масканига айланган.

Район саноат корхоналари, хўжаликлари, билим юртлари ва мактабларда ГТО комплексига норма топшириш, нишондор бўлиш учун кураш авж олиб кетган.

Ҳар бир микрорайонда, уйда, ҳар бир қишлоқда спорт майдончаси бўлсин. Республикамиз бўйлаб кенг қулоч ёзган бу шиорга район спортчилари ҳам қатъий

ҲАР БИР МИКРОРАЙОНДА, УИДА, ҲАР БИР ҚИШЛОҚДА СПОРТ МАЙДОНЧАСИ БЎЛСИН

равишда катта ҳисса қўшди. Айниқса, қирғиз алфавитини такомиллаштириш ва равнақ топтиришда К. К. Юдахиннинг хизматлари каттадир. Шунинг учун ҳам 1944 йили Қирғизистон ҳукумати раҳбарларининг таклифига биноан у Фрунзе шаҳрига ишга таклиф қилинди. Бу ерда олим адабиёт, тил ва тарих институтида сектор мудири, М. В. Фрунзе номидаги Қирғизистон Давлат педагогика институтининг ўз

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Олға, болакайлар! 11.15 — Сўна. Кўп серияли бадиий фильм. 1-серия. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.00 — Э. Багрицкий поэзияси. 16.30 — Шахмат мактаби. 17.00 — Концерт. 17.15 — Ёшлар адреслари. 18.15 — Удмурдистон булоқлари. 18.45 — Концерт. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан оламида. 20.15 — Концерт. 20.25 — Сўна. Кўп серияли бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.15 — Биргалашиб, куйлаймиз, дўстлар. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

I

11.30—Болалар учун фильм. 12.00 — Оила ҳақида мулоҳазалар. 12.20 — Болалар учун концерт. 12.50 — Инқилоб наводзлари. Бадиий фильм. 18.15 — Сўз кетидан сўз келар. 19.00 — Коммунистлар университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ғазал оқшоми. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбек артистлари ижросида чет эл шарқ куйлари. 21.30—Время. 22.15 — Ишга тушириладиган объектлар ўз муддатида. 22.30 — К. Яшин. Ин² километр тонги. Ҳамза номли ўзбек давлат академик театрининг спектакли.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Ўқитувчи экрани. 20.55—Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» — АСК (Москва ҳарбий округи). 21.20 — Назарий механика. 22.20 — Ҳамқишлоқлар (бадиий фильм).

«Дружба» кинотеатри дирекцияси ва коллективи кинотеатр ходими Ш. А. Умаровага отаси

Абил Турсунбоевич ТУРСУНБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика «Узхозторг» базаси коллективи бўлим бошлиги А. Р. Нуриддиновга отаси

Нуриддин РАСУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337915, 325748; масъул секретарь —334308, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 02348. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1722.